

Аё София масжидида йилнинг биринчи намози ўқилди



08:00 / 02.01.2022 1576

Шаҳарликлар 2022 йилнинг илк бомдод намозини Аё София масжидида адо этишди.

Унда Туркиянинг Дин ишлари раҳбари Али Эрбаш ҳамда фуқаролар иштирок этди.

Дин ишлари раҳбари твиттер саҳифасида «Оила, миллат бўлиб намоз ўқиймиз» деб эълон қилганидан кейин фуқаролар тонгда масжидларга тўпланишди.

Истанбулдаги кўплаб масжидлар гавжум бўлди. Дин ишлари раҳбар Али Эрбаш шаҳарликлар билан биргаликда Аё София масжидида 2022 йилнинг илк бомдод намозини ўқиди.

Аё Софиянинг масжид ҳовлисида ва эшиклари олдида узун навбатлар пайдо бўлди. Тарихий масжидга сиғмай қолган диндорлар кўчада намоз ўқишди. Намоздан сўнг дуолар ўқилиб, саловот ва такбирлар айтилди.